

Муфтий ҳазратлари номига ташаккурнома



16:37 / 14.12.2024 1430

27 октябрь куни юртимизда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга депутатлик сайлови ўтказилди. Сайлов жараёнларини кузатиш учун бир қатор хорижий давлатлардан экспертлар ташриф буюрди. Мазкур жараёнда Иордания мамлакати делегациясини Муфтий ҳазратлари бошчилигидаги Диний идора ходимлари кутиб олиб, меҳмонларга сайлов жараёнларини кузатиш учун барча шароитларни ҳозирлаб, уларга ҳамроҳлик қилди. Шу муносабат билан Иордания делегацияси Муфтий ҳазратлари номига ташаккурнома йўллади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, фазилатли Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларига

ТАШАККУРНОМА

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу

Ўзбекистон Республикасидаги парламент сайловларини кузатиш учун таклиф этилган Иордания делегацияси сифатида сизларнинг мамлакатингизга ташриф буюриш ва кўплаб давлатлардан келган делегациялар билан бирга сайловларни кузатишда иштирок этиш шарафига муяссар бўлдик.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда ютуқларга эришилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Бизни меҳр-муҳаббат, ҳамкорлик ва тинчликда бирлаштирган диний ва тарихий меросга асосланган, қалбларимизга азиз бўлган ҳамда юртимиз Иорданияга дўст саналган ушбу давлат билан танишиш имкониятини берганингиз учун самимий ташаккуримизни изҳор этамиз.

Шунингдек, ташриф давомида бизга кўрсатилган барча қулайликлар ҳамда делегациямизга кўрсатган самимий саховатингиз, меҳмондўстлигингиз ва алоҳида эътиборингиз учун чин қалбдан самимий миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги жоме масжид имом-хатиби ғайратли Нурали Мавлоновга ташрифимизни енгиллаштириш ва араб тилига таржима қилишдаги ёрдамни алоҳида эътироф этмоқчимизки, унинг саъй-ҳаракатлари туфайли юртингиз ва халқингиз ҳақида яхшироқ тушунчага эга бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент халқаро аэропортига етиб келганимиздан бошлаб, эҳтиром кўрсатилган ҳолда мамлакатингиздан чиқиб кетгунга қадар бизга ҳамроҳлик қилган барча ташкилотчиларга самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Барчангизга ташаккур. Аллоҳ таоло сизларга динга хизмат қилиш йўлида муваффақиятлар ато этсин.

Барча соҳаларда ҳамкорлигимизни ривожлантиришни умид қилиб қоламыз.

Мустақил сайлов комиссияси вакили,

Иордания делегацияси раҳбари

Жиҳод ал-Мумний